

ИНГЛИЗ ТИЛШУНОСЛИГИДА МАҚОЛЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚИ

Навруз Эргашевич Мадалов

Термиз давлат университети

madalovnavruz@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада инглиз тилшунослигида паремиологик бирлик ҳисобланган мақолалар тадқиқ этилган бўлиб унда мақолларни лингвистик моҳияти мақолларнинг ёндош ҳодисаларга бўлган муносабати назарий ва амалий мисоллар асосида таҳлилга тортилган.

Калит сўзлар: Парема, мақол, мақолнинг лингвистик моҳияти, мақолларнинг семантикаси тавсифи.

ABSTRACT

The article considered as a paremiological unit in English linguistics are researched, in which the linguistic essence of proverbs, the relation of proverbs to related phenomena is analyzed based on theoretical and practical examples.

Keywords: Parema, proverb, linguistic essence of proverb, description of semantics of proverbs.

КИРИШ

Ўзбек халқ мақоллари сингари инглиз халқ мақоллари ҳам инглиз фольклорининг кенг тарқалган жанрларидан бири ҳисобланади. Инглиз мақоллари ҳам тузилиши, фольклорда ўрганилиши ва яна бошқа жиҳатлари билан ўзбек мақолларига ўхшаш умумий ҳарактерга эга.

Халқ мақолларига мурожаат этганда, уларнинг тарихийлигини ҳисобга олиш лозим. Чунки бугунги кунда ишлатилаётган мақолларнинг кўпчилиги ўтмишда яратилганлиги сабабли халқ психологияси, дунёқарашидаги чекланганлик ва зиддиятларни ўзида ифода этади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГЯ

Бинобарин, халқ мақолларини тўплаш, уларнинг табиатдаги турли даврларга хос қатламларини изчил синфийлик нуқтаи назаридан ўрганиш лозим. X–XI асрларда Англияда диний қарашлар ривожланиши натижасида дидактик асарларга

бўлган эҳтиёж ошиб бориб, бир қатор панд-насихат мазмунидаги асарлар вужудга келди. Шундай асарлардан бири – энг қадимги инглиз мақол-маталларининг ёзма тўплами ҳисобланган “Proverbs of Alfred” дир. У 1150 – 1180 йилларда яратилган бўлиб, ўзида диний ҳамда одоб- ахлоққа доир кўрсатмаларни мужассамлаштирган. Яна бир манба “The book of proverb” тўплами олдинроқ пайдо бўлган “Proverbs of Solomon which the raen of Hezekiah king of Judah copied” (эр.авв. 700-йиллар), “Wisdom of Amenemope” (эр. авв. X–VI асрлар) асарлари асосида пайдо бўлган. Англияда мақол ва адабиётга бўлган қизиқиш ўрта инглиз даврида (XVI–XVII асрлар), яъни “мақол тарзидаги ҳикматли ибораларнинг олтин даври”да янада ортди.

Турли хил ёзувсиз шевалардан фойдаланиб келаётган инглиз жамияти бу даврга келиб китоб нашр этиш сирини билиб олди. Узоқ йиллар мобайнида жамланиб келган донишмандлик расмий равишда панд-насихат мақомини олиб, халқ бошқарувининг дидактик куралига айланди. Мақоллар эса адабий жанр сифатида тан олиниб турли асарларда ўз аксини топа бошлади. Бу даврда черков ходимлари мақоллардан кўпроқ фойдаланардилар. Улар Библия ва “файласуфларнинг мақоллар тўплами”дан олинган цитаталардан мунтазам равишда ибодат вақтида ўз нутқларида қўллар эди.

XIII–XV асрларда мақоллар тарғибот пайтида беғам, бепарво католикларни кўрқитиш воситаси сифатида ҳизмат қилган. Масалан, Oxford Concise Dictionary of Proverbs луғатида берилган мақолга кўра “*Don't cast your pearls before swine*” – *Ахмоққа гап уқтирмақ эшакнинг қулоғига танбур чертмоқ; A house divided against itself can't stand* – *Бўлинганни айиқ ер, айрилганни бўри ер.*

Кейинроқ бундай ҳикматли ибораларни йиғиб, тўплам сифатида чоп этишга қарор қилинди. Мақолларни ўзлаштиришга бўлган қизиқиш, улардан турли мақсадлар йўлида фойдаланиш уларни илмий жиҳатдан ўрганишни талаб қилар эди. Мақолларнинг қисқа ва лўндалиги, тез ёдда қолиши ва бошқаларга таъсир ўтказа олганлиги учун олимлар ва нотиклар ўзларининг чиқишларида улардан унумли фойдаланишар эди. Бу даврда Англияда мақолларни ўрганишда аниқ бир мақсадга йўналтирилган илмий йўналиш бўлмаганлиги сабабли, олимлар уларнинг сонини ва келиб чиқиш манбаларини аниқлаш билангина чекланишарди.

XV–XVI асрга келиб Англияда 12000 га яқин мақол ва мақол тарзидаги иборалар мавжуд бўлган. Улар мунтазам равишда халқ тарафидан оғзаки ва ёзма нутқда қўлланар эди. XV асрга келиб Англияда мавжуд ҳикматли иборалардан тўплам

яратиш анъанага айланиб, улар ҳатто лотин тилидаги таржимаси билан берилар эди. Ўша даврнинг диққатга сазовор асарларидан бири Эрасмуснинг “Маталлар” номли тўплами ҳисобланган. У ўз таркибига лотин ва юнон муаллифларининг 4251 та ҳикматли ибораларини олган бўлиб, 1500 –1536 йиллар мобайнида у бир неча бор чоп этилган. Ундан кейин ҳам Англияда ҳикматли иборалардан иборат бўлган яна бир қанча тўпламлар пайдо бўлди.

Улар жамлама характерга эга бўлиб, ундаги мақол ва маталлар Эрасмуснинг тадқиқотларидан олинган. Эрасмуснинг тадқиқотларини ўз ичига олган қизиқарли тўпламлардан бири Томас Барлетнинг “DictaSpientum” (1527) тўплами ҳисобланади. Яна бир олим Жон Хейвуднинг “The dialogue of proverbs”(1546) тўпламига 1267 та мақол ва иборалар кирган. Кейинчалик 1670 йилда Жон Рей “A collection of English proverbs”, 1855 йилда Боннинг “Мақоллар” китоби, 1870 йилда Хацлиттанинг “Инглиз мақол ва мақолсимон иборалари” номли тўпламлари нашр этилди. Бундан аён бўладики, инглиз халқ мақоллари ҳам жуда узоқ тарихга эга, бугунда ҳам кўпчилик олимлар томонидан турли хил кўринишларда тадқиқ қилиниб келинмоқда.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Масалан, инглиз халқ мақолларидан *A fool's bolt is soon shot* ни кўриб чиқсак. Мақолнинг таржимаси – *Аҳмоқнинг камон ўқи тезда отилар*. Ўзбекча муқобил варианты *Аҳмоқнинг бошига ақл ёпиштириб қўйсанг, қўли билан кўчириб ташлайди*. Агар таржимадан келиб чиқадиган бўлсак, мақол узоқ ўтмишда яратилганлигига шубҳа йўқ. Чунки, унда ишлатилган *bolt*, яъни “камон ўқи” ўтмишда, уруш даврларида яратилгани сезилиб туради.

Демак, мақоллардаги мавзу кўлами уларнинг нутқда қўлланиш ўрнига қараб белгиланади. Аммо мақоллар қайси даврда яратилишидан қатъий назар, улар яна нутққа қайтиб, фаоллашиши мумкин.

Биз бу фикримиз билан *A fool's bolt is soon shot* мақолларининг келиб чиқиши ёки яратилиши маълум бир даврга боғлиқ бўлишини таъкидламоқчимиз.

Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда мақоллар мазмунида ҳам турли даражадаги ўзгаришлар – торайиш ёки кенгайишлар юз беради. Мана шу фактнинг ўзиёқ мақолнинг жамият ҳаёти, халқ турмуши билан бевосита боғлиқлигини кўрсатади.

Демак, мақоллар халқ ҳаётини, унинг ўтмишдаги иқтисодий, сиёсий ва маданий турмуш даражасини ўрганишда асосий вазифани бажаради. Ҳақиқатдан ҳам



мақоллар турли ижтимоий-иқтисодий муносабатларни, халқнинг этик ва эстетик нормаларини, этиқодий тасаввурларини, маиший турмуши ва меҳнат тарзини, севги ва нафратини, орзу ва интилишларини объектив баҳолайди.

Жозеф Реймонд мақолларни қуйидагича изоҳлайди: *Proverbs are not only melodic and witty, possessed with rhythm and imagery; proverbs also reflect “patterns of thought.* Яъни, мақоллар ихчам ва ритмик тузилган бўлиб, у доноликнигина ифодалаб қолмай, балки инсон ўй - фикрларининг аксидир.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш жоизки, мақоллар халқнинг донолигини ифодаловчи ва ҳамиша авлодларга мерос қолувчи жанрдир.

Мақолларнинг муаллифлари бўлмаганидек, уларнинг қачон ва қай пайтда пайдо бўлгани ҳам аниқ эмас. Масалан, *Beware of Greeks bearing gifts – Юнонларнинг ўралган совғасидан огоҳ бўл.* Ушбу мақолда тарихий воқеага бориб тақаладиган ҳодиса берилган бўлиб, унинг маъносини аниқ тушуниб етишимиз учун қадимги юнонларнинг трояликлар билан бўлган жангини эслаб ўтишимиз керак бўлади. Йиллар давомида Трояни қўлга киритолмаган юнонлар ҳийла ишлатиб от шаклидаги катталиги биноча келадиган қўғирчоқ ва унинг ичига яширин равишда юнон аскарлари жойлаштирилади.

Уни Трояга ғалаба совғаси сифатида жўнатишади. Ғалаба нашидасини сураётган трояликлар уни совға сифатида қабул қилишади. Тунда трояликлар ғалабани нишонлаётиб маст бўлиб қолишади, бундан фойдаланган юнонлар от шаклидаги ёғоч қўғирчоқдан бирма-бир чиқиб, трояликларни қатл қилиб, кўпчилигини асрга олишади.

Шу тарихий ҳодисадан сўнг от шаклидаги ёғочдан қилинган совғага, инсонга душманлик қилиши мумкин бўлган инсоннинг ҳийласи сифатида қаралади. Бу мақоллар юнонлар учун ёки баъзи Европа давлатлари учун таниш бўлиши, аммо бу ҳодисани билмаган бошқа миллатлар учун нотаниш бўлиши мумкин.

Яна бир мисол, *All braves lived before Agamemnon – Барча ботирлар Агамемнондан олдин яшаган.* Агамемнон Троядаги бўлган жангда барча кучли инсонларни асрга олган шахс сифатида тарихда қолган.

Кўриниб турибдики, мақоллар миллий қадриятлар мероси, халқ оғзаки ижодининг дурдонаси ҳисобланади. Уларни халқ яратади, яъни авлоддан авлодга оғзаки равишда ўтади.

Демак, мақоллар – бу халқнинг донолигини, миллатнинг руҳини, унинг маданиятини кўрсатадиган халқ оғзаки ижодининг “гавҳаридир”, деб таъриф бериш мумкин.

Умуман олганда, мақоллар асрлар давомида халқларнинг ноёб дурдоналаридан бири бўлиб, тил ва бадиий ижоднинг теран мазмунига эга ҳодисаси сифатида юзага келган. Улар халқ маънавияти, маданияти, донолиги, миллий қадриятлар мероси ва миллатнинг кўзгусидир.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, мақоллар мангуликка дахлдордир. Уларда ўша халқнинг барча ўй-фикрлари, дунёқараши, турмуш тарзи, феъл-атвори ва эътиқоди акс этади. Ҳар бир миллат ўзига хос тавсифларга эга экан, бу уларнинг мақолларига ҳам таъсир этмай қолмайди. Инсонлар бу ҳаётдаги фактларни борица қабул қилмасдан, атроф-муҳитга бўлган муносабатни ҳам баҳолайдилар. Инсоннинг инсонлиги ҳам уни ўраб турган табиатга муносабатида мужассамлашади.

REFERENCES

1. Madison, Wisconsin: University of Wisconsin Press. 1994. – P. 45 - 52.
2. English Proverbs Explained//Ridout R. Witting C. – London and Sidney: Pan Books, 1969. – 224 p.
3. Mieder V. Twisted Wisdom, Modern Anti Proverbs. – Vermont, 1998. – 396 p.
4. Oxford Concise Dictionary of Proverbs. Oxford University Press, 2003. – 364 p.
5. Taylor A. Problems in the study of proverbs. The Journal of American Folklore [Vol. 47, No. 183 \(Jan. - Mar., 1934\)](#), P. 1-21.
6. Мадалов Наврўз Эргашевич. Мақолларда антонимик муносабатнинг ифодаланиши.
7. Мадалов Наврўз Эргашевич. Баъзи табиат ҳодисаси билан боғлиқ мақолларда шаклий ва маъновий муносабатларнинг ифодаланиши.
8. Мадалов Наврўз Эргашевич. Бақолларда синонимик муносабатнинг ифодаланиши
9. ВАКХРИТДИНОВИЧ, R. K. The Approach of Paremiology in Parallel Corpora. JournalNX, 6(05), 216-222.
10. Ruziev, K. V. (2020). Proverbs and corpus linguistics. Актуальные проблемы гуманитарных и естественных наук, (6), 64-67.
11. Ruziyev, K. (2021). Paremiological units and their differences. InterConf.
12. Ruziyev, K. (2021). Etymology of the word and term paremia. InterConf.
13. RUZIYEV, X. B., & SIDIKOVA, S. A. K. (2019). Translation problems of proverbs and some special tip for translating from english into uzbek. Наука среди нас, (5), 100-105.